

## Аллоҳга етишиш (1-қисм)



17:38 / 18.07.2017 5650

**Аллоҳга етишишинг У Зот ҳақидаги илмга етишишингдир. Аслида Роббимиз бир нарсанинг Унга етишидан ёки Унинг бир нарсага етишишидан улуғдир.**

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг ушбу ҳикматида Аллоҳ таолонинг висолига етишиш тушунчасини баён қилмоқда.

Албатта, бу борада сўз кетар экан, моддий етишиш маъносини хаёлга ҳам келтирмаслик лозим бўлади. Чунки одамларнинг бир-бири билан бўладиган муомалаларидаги маълум масофани босиб ўтиб етишиш маъноси бу борада тўғри келмайди. Аллоҳ таоло билан банданинг орасида бўладиган муомалада моддий етишишнинг мутлақо имкони йўқ. Бу ишнинг юзага чиқиши у ёқда турсин, уни ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Чунки бандаларнинг бир-бирларига етишишлари уларнинг фаолиятлари

замон ва макон билан чегараланганидандир. Ҳақ субҳанаҳу ва таоло эса замон ва маконни яратган Зотдир. Қандай қилиб ана шундай Зотни замон ва макон билан чегаралаш мумкин?!

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу маънони баён қилиш учун ўзининг биз ҳозир ўрганаётган ҳикматининг иккинчи жумласида таъкидламоқдаки:

**«...Роббимиз бир нарсанинг Унга етишидан ёки Унинг бир нарсага етишишидан улуғдир».**

Яъни ҳеч бир нарса моддий маънода Аллоҳ таолога етишиши ёки Ҳақ субҳанаҳу ва таоло бирор нарсага етишиши мутлақо мумкин эмас. Агар бунинг имкони бўлганида, Аллоҳ таоло замон ва макон билан чегараланган бўлиб қоларди. Бундай бўлиши эса амри маҳолдир.

Бас, шундай экан, солиқлар орзу қилган Аллоҳ таолонинг висолига етишишнинг маъноси нима? Бандани Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг висолига етишишдан тўсиб турадиган тўсиқлар нималардан иборат?

Аввало, бандани Аллоҳ таолонинг висолига етишишдан тўсиб турадиган тўсиқлар нималардан иборат эканини ўрганиб чиқиш керак бўлади. Зотан, ўша тўсиқларни аниқлаб, уларни олиб ташлагандан кейингина Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг висолига етишиш ҳақида ўйласа, гапирса, орзу қилса ва уринса бўлади.

Бандани Аллоҳ таолонинг висолига етишишдан тўсиб турадиган тўсиқлар бир ҳолатдан иборат бўлиб, бунда банда жисмоний ва нафсоний талаблари, истаклари, туйғулари ва ҳожатларининг кўйига тушиб қолган бўлади. Шунинг учун дунё ва унинг ҳою ҳавасларига берилиб, Роббининг буйруқлари ва қайтариқларини эътиборсиз қолдирадиган бўлади. Бу ҳолат қалбни моғор босиш ҳолати деб ҳам аталади. Ушбу ҳақиқатнинг баёни Қуръони Каримда келган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

**«Сўнгра, шундан кейин ҳам қалбларингиз қаттиқ бўлди, улар тошдек ёки ундан-да қаттиқ» (74-оят).**

Банда кўрган-билган нарсаларидан ибрат олмаса, Аллоҳ таолонинг амрига қулоқ осмаса, қайтарганидан қайтмаса, бора-бора унинг қалби қотиб, тошга айланади, балки тошдан ҳам қаттиқ бўлиб кетади. Бу эса банданинг

бадбахтлигига сабаб бўлади.

*Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:*

**«Аллоҳнинг зикрисиз гапни кўпайтирманглар, чунки Аллоҳнинг зикрисиз гапни кўпайтириш қалбни қаттиқ қилади. Одамларнинг Аллоҳдан энг узоғи қалби қаттиғидир»**, деганлар.

*Имом Баззор Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:*

**«Тўрт нарса бадбахтликдандир: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-ҳаваснинг узунлиги ва дунёга ҳирс қўйиш»**, дейилган.

*Аллоҳ таоло Мутоффифун сурасида марҳамат қилади:*

**«Йўқ! Уларнинг қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир» (14-оят).**

Йўқ!!! Иш улар айтгандек эмас. Айб Қуръонда эмас. Аксинча, уларнинг қилган гуноҳлари туфайли қалбларини моғор босиб қолган. Шу сабабли Аллоҳ таолонинг оятлари тиловатини эшитсалар ҳам, қалблари таъсирланмайдиган бўлиб қолган. Демак, айб Қуръонда эмас, айб уларнинг моғор босган қалбларида.

Ҳа, инсон гуноҳ ишларни қилаверса, қалбини моғор босиб, ҳеч нарса таъсир қилмайдиган бўлиб қолади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадиси шариф ворид бўлган: «Мўмин киши гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба қилиб, у гуноҳдан бутунлай қайтса, истиғфор айтса, қалби покланади, агар гуноҳни зиёда қилса, қалбидаги қора ҳам зиёда бўлади. Мана шу Қуръондаги «Каллаа бал рона ала қулуубихим» деганидир».

Банданинг қалбини моғор босганидан кейин кўзини ҳам, қулоғини ҳам парда босиб қолади. Бундай банда кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитиб ибрат олиши лозим бўлган нарсалардан ҳам ибрат олмай қўяди.

*Аллоҳ таоло Каҳф сурасида марҳамат қилади:*

**«Улар кўзлари Менинг зикримдан пардада бўлган ва эшитишга тоқат қила олмайдиганлар эдилар» (101-оят).**

Бандани Аллоҳ таолонинг висолига етишишдан тўсиб турадиган тўсиқлар – жисмоний ва нафсоний талаблари, истаклари, туйғулари ва ҳожатлари эканини, мазкур нарсалар қалбни моғор босишига, кўз ва қулоқни парда босишига олиб боришини билиб олганимиздан кейин бу ҳолатдан қутулиш йўллари излашимиз керак бўлади. Ана шундан кейингина Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг висолига етишиш учун ҳаракат бошлаш имкони туғилади. Аллоҳ таолонинг висолига етишиш аста-секин, даражама-даража кечади. Машойихларимиз мазкур даражаларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга иқтидо қилароқ, ўз тажрибаларида кўрганлар ва уларни сифатлаб ҳам берганлар. Қуйида мазкур Аллоҳ таолога етишиш даражаларидан баъзиларини эсалб ўтамыз.

1. Банданинг Аллоҳ таолонинг висолига етишиш бўйича биринчи даражаси У Зотнинг маърифатидир. Ушбу маърифат банданинг қалбида иймоннинг қувватли бўлишига, унда Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа муҳаббатга жой қолмаслигига, барча амалларни шариатга мувофиқ, шавқ ва завқ билан бажарадиган бўлишига олиб бориши шартдир.

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Илм икки илмдир: қалбдаги илм - ана ўша фойдали илмдир; Тилдаги илм - униси Аллоҳнинг одам боласи зиддига ҳужжатидир».**

*Абу Бакр Хатиб ва Ибн Абдулбарр ривоят қилишган.*

Билган илмига амал қилмаслик қанчалар ёмон нарса экани ҳақида оятлар ва ҳадислар жуда кўп келган. Уларни бу ерда такрорлашга ҳожат йўқ. Фақатгина банда билган илмига амал қилиш орқали Аллоҳ таолонинг висолига етишиш поғоналаридан бирини босиб ўтиши ҳақиқатини билишимиз аҳамиятлидир.

*Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:*

**«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина кўрқарлар» (28-оят).**

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, яратилган нарсалардан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб этиб, ақли билан Аллоҳни топган ва Ундан кўрққан одамгина олим ҳисобланади. Аммо мазкур махлуқотларнинг тарихи, тузилиши, таркибидаги моддалари, хусусиятлари ва бошқа турли маълумотларни тўлиқ ўрганиб туриб, уларни

яратган Аллоҳни танимаган ва Ундан қўрқмаган одам ўта жоҳил саналади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Илм гапнинг кўплиги эмас, илм қўрқининг кўплигидир», деганлар.

Имом Ҳасан Басрий: «Олим Аллоҳдан ғойибона қўрққан одамдир, Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир», деб туриб, «Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» оятини тиловат қилган.

Ушбу фойдали илмдан баҳраманд бўлган банда ўзини Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан узоқлаштириб турадиган жоҳиллик тўсиғидан қутулади ва У Зотнинг висолига эриштирувчи поғоналардан бирига қадам қўйган бўлади. Бундай илм қалбда Аллоҳ таолонинг муҳаббатини, маҳобатини ва У Зотни улуғлаш ҳисларини ҳосил қилади. Ўз навбатида қалбда Аллоҳ таолонинг мураккабасини ва зикрини ҳис қилиш қобилиятини уйғотади.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Хислатли ҳикматлар шарҳи китобидан)*